## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 132-ҳадис

* وروينا في سنن أبي داود، والترمذي، عن ثوبان رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "لا يؤم عبد قوما فيخص نفسه بدعوة دونهم، فإن فعل فقد خانهم". قال الترمذي: حديث حسن.

132/3. Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Қавмга имом бўлган киши дуода ўзини хослаб олмасин. Агар шундоқ қиладиган бўлса, жамоатдагиларга хиёнат қилибди**», дедилар.

Абу Довуд ва Термизий ривоятлари. Термизий уни ҳасан ҳадис дедилар.

(Масалан, имом «гуноҳларимни кечир», демасдан, «гуноҳларимизни кечир», деб кўплик лафзида  айтади. – Таржимон.)

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI